

**Фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибini сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматларини кўрсатиш тўғрисида
1- сонли ШАРТНОМА**

2023 йил “ 18” январ

Самарканд шаҳри

Самарканд вилояти Ички ишлар бошқармаси (кейинги ўринларда матнда «Бошқарма» деб аталувчи) номидан бошқарма бошлиғи Р.Т.Маматов, Низом асосида фаолият юритувчи ва кейинги ўринларда ижрочи деб аталувчи бир томондан ҳамда Самарканд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети номидан Низом асосида фаолият юритувчи («Буюртмачи» деб аталувчи) ректор Х.Б.Юнусов иккинчи томондан, биргаликда (қелгусида томонлар деб аталади) ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича «Буюртмачи» нинг топшириғи билан «Бошқарма» уз зиммасига профилактика инспекторларини ажратган ҳолда (қелгусида ходимлар деб аталади) таълим муассасаси ҳудуди ва унинг атрофида доимий тартиб ўрнатиш, қонуи бузилиш, жиноят содир бўлиши ҳолатларининг олдини олиш ҳамда жамоат тартибini сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

1.2. «Буюртмачи» эса ушбу шартнома шартларига асосан кўрсатилган хизмат учун туловларнинг уз вақтида туланишини таъминлайди.

2. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ

2.1. «Буюртмачи» ўзининг ички молиявий имқонияти ва ўзига хос хусусияти, яъни тайёрланган харажатлар сметасидан келиб чиқиб, профилактика инспектори штат лавозимини ажратиш ҳақида «Бошқарма» билан келишади.

2.2. Объектнинг (корхона, ташкилот, муассаса) муҳандислик-техник ва хавфсизлик тизимлари «Буюртмачи» томонидан жиҳозланади.

2.3. «Бошқарма» томонидан «Буюртмачи»га ушбу шартнома шартларини бажариш учун 1 (бир) нафар профилактика инспектори ходимини ажратади.

2.4. Ушбу шартнома «БУЮРТМАЧИ» ҳамда «БОШҚАРМА» томонидан имзоланганидан сўнг кучга киради ва 2023 йилнинг 31 декабрь кунигача амал қилади.

3. НАРХ ва ҲИСОБ КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг умумий суммаси 3(уч) ой учун **33780450** (Ўттиз уч миллион етти юз саксон минг тўрт юз эллик) сўмини ташкил этиб, «БУЮРТМАЧИ» «БОШҚАРМА»га ҳар ойда **11260150** (Ун бир миллион икки юз олтиминг минг бир юз эллик) сўм тулаб беради. Ушбу шартнома бўйича кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мувофиқ «Буюртмачи» ва «Бошқарма» томонидан тасдиқланган ва ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган Самарканд вилояти ИИБ билан келишилган ҳолда харажатлар учун ягона смета ҳисоби тайёрланиб, унга асосан белгиланган маблағлар ойма-ой тенг қисмларга бўлиб «Бошқарма»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

3.2. Шартноманинг ажралмас қисми бўлган смета «Буюртмачи» билан келишилгандан сўнг тасдиқланади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматлар учун тулов «Буюртмачи» томонидан «Бошқарма»нинг ҳисоб рақамига ушбу шартномада назарда тутилган ойлик туловнинг 100 фоизини кейинги ойнинг 5 санасигача ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Кўрсатилган хизматлар учун туловлар олий таълим муассасасида талабаларнинг тулов-контракт асосида ўқитишдан келиб тушган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3.4. «Бошқарма» ва «Буюртмачи» ўртасида ойма-ой ўзаро тасдиқланадиган табелга мувофиқ, ҳақиқий ишлаган ходимлар сонига, факатгина «ходим»нинг бетоблик, ўқиш ва меҳнат таътили даврларини инобатга олган тарзда, счет-фактура расмийлаштирилган ҳолда туловни амалга оширади.

3.5. Давлат раҳбарининг қарорларига асосан энг кам иш ҳақки ўзгарган тақдирда, тузилган ягона смета қайта қўриб чиқилади.

4. ТОМОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. «Бошқарма»нинг мажбуриятлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-27-сон Фармони 4-иловаси билан тасдиқланган «Ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифалар рўйхати» асосида «Буюртмачи» билан келишилган ҳолда белгиланган ҳудудда профилактика инспекторининг хизмат вазифаларини бажаришини туғри ташкил этиш;

-Ўзбекистон Республикасининг “Олий таълим муассасаси” фаолиятига оид амалдаги Қонун ҳужжатларини тўлақонли амалга ошириш ва талабалар, профессор-ўқитувчилар ҳамда бошқа ходимлар ўртасида кенг камровли тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини ташкиллаштириш;

-“Олий таълим муассасаси” ҳудудига келиб-кетадиган фуқароларни(талабалар, хизматчилар) назоратга олиш, уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш, тезкор профилактик чора-тадбирлар ўтказиш йўли билан содир этилиши мумкин бўлган турли салбий ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган ишларни ташкиллаштириш;

-“Олий таълим муассасаси” ҳудудлари, уларнинг атрофида ва автоуловлар тўхташ жойларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этилишини, талабалар, профессор-ўқитувчилар ҳамда бошқа ходимларнинг мол-мулкларини ўғирланиши ёки уларга шикаст етказилишининг олдини олиш;

-“Олий таълим муассасаси”га қарашли бўлган биноларда талабалар, профессор-ўқитувчилар ҳамда бошқа ходимларнинг мол-мулкни кўриклаш ва ўғирлик, талон-тароғ килиш ҳолатларининг содир бўлишига йўл қўймастик;

-“Олий таълим муассасаси” ҳудудига пиротехника воситаларини олиб кирилиши ҳамда уларни ҳудудда жойлашган савдо шаҳобчаларида сотилишини олдини олиш;

-амалдаги қонунчилик тартиботига асосан паспорт тизими талабаларининг бажарилишини назорат қилиш;

-фақуллодла ҳодисалар юзага келганида барча тегишли органлар ходимлари билан ҳамкорликда фуқароларни (талабаларни) эвакуация қилиш, тезкор чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш, бу борада ўқув машғулотларини мунтазам равишда режални ўтказиб бориш;

-ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга ошириш ишларини ташкил этишда соҳавий хизматлар (ЖКБ, ЙХХБ, ФВБ, МГ ҚБ) ходимлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

-ҳуқуқбузарлик содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган жойларни доимий назорат қилиб бориш ва бошқалар.

4.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

- ушбу шартнома бўйича тўловларни ўз вақтида амалга ошириш;

-“Бошқарма” ходимларининг хизмат вазифаларини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

-ҳудудда қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва хавфсизликни таъминлаш тўғрисида “Бошқарма” томонидан киритилган тақдирномалар юзасидан чора-тадбирлар белгилаш;

-“Бошқарма” билан келишилиши ва тасдиқланиши лозим бўлган ҳужжатларни ўз вақтида ўрганиб чиқиб, тасдиқлаш.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Буюртмачи томонидан ўз вақтида пул тўловлари амалга оширилмаган ҳолларда ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4 фоиз миқдорда, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда “Бошқарма”га пеня тўлайди.

5.2. Бошқарманинг ходими ишда асоссиз равишда бўлмаганигининг ҳар бир куни учун “Бошқарма” “Буюртмачи”га бир кунлик профилактика инспектори хизмати нархининг 10 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

5.3. “Бошқарма” ушбу Шартнома ва ходимнинг хизмат вазифаларида кўрсатилган мажбуриятларни тегишли даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

5.4. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонунига асосан тартибга солинади.

6. МАХСУС ШАРТЛАР

6.1. Ушбу шартномага асосан ажратилган ходимларнинг иш фаолияти “Бошқарма” томонидан хизматга жалб этилиши катъий меъёрий ва ягона жойлашув режаси асосида амалга оширилади.

6.2. “Бошқарма” ажратилган ходимларнинг хизмат вазифаларини бажарилишини назорат қилиб боради. “Буюртмачи”нинг асосли расмий хатига асосан ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан ёндашган ёки иш фаолиятида камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан ИИВнинг Низом ва буйруқлари асосида тегишли чоралар кўради.

6.3. “Бошқарма” буюртмачи ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан зарур ҳолларда “Буюртмачи”га ёзма маълумот тақдим этади.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда, ер кимираши, сув тошқини, ёнғин содир бўлиши, Давлат раҳбариятининг таъкидловчи қарорлари мавжуд бўлган ҳолларда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларнинг бажарилмаслигини жавобгар эмас.

7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалар унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

7.3. Форс-мажор ҳолат юзага келганида бир тараф иккинчи тарафни 3 кун ичида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

7.4. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаса ва сурункали кечиктириб бориlsa иқтисодий судга мурожаат қилинади ва шартнома бир томонлама бекор қилинади.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича тарафлар ўртасидаги келишмовчилик ва низолар ўзаро келишув, музокара йули билан ҳал қилинади.

8.2. Агар келишмовчилик ва низолар ўзаро келишув ва музокара йули билан ҳал этилмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий судларда қўрилишига тегишли бўлади.

9. ҚУШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала томон имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий қонуний кучга эга бўлади.

9.2. Ушбу шартномада кўрсатилган ҳодимлар сони қисқартирилиши кўзда тутилган ҳолатларда тарафлар ўзаро бир-бирини қамда икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши шарт.

9.3. Ушбу шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига биноан ёки томонлардан бирининг шартнома шартларига риоя этмаган ҳолда иккинчи тараф уни бир томонлама, муддатидан олдин бекор қилишга ҳақлидир ва бу ҳақда 2 (икки) ой олдин ёзма равишда маълум қилади.

9.4. Ушбу шартномада назарда тутилган бошқа барча масалаларни тарафлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳамда "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун асосида ҳал этилилар.

9.5. Ушбу шартнома бир ҳил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусxada тузилган ва имзоланган кундан бошлаб тарафлар ўз мажбуриятларини бажаргунларига қадар амалда бўлади.

10. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛГОҲИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

"Бошқарма"

Самарқанд вилояти ИИБ

Ҳисоб рақам: 21506000601638947009

МФО: 0014 ИНН: 201214240



Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси
№ 11, 231-18-60

Р.Т.Маматов

"БЎЮРТМАЧИ"

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялар университети

Самарқанд шаҳар М.Улугбек кўчаси 77 уй

Тел: (66) 234-78-92 234-76-86

х/р: 400910860184017094100250001

ИНН: 201878451,

МФО: 00014 ОКЕД: 85420

Марказий банк ХККМ Тошкент шаҳар

Ректор



Юрмеб.

А.Ешматов

Самарқанд вилояти ИИБ ХПБга ОТМ ҳисобидан олинган ходимнинг 2023 йил учун ойлик иш ҳақи ва туланадиган бошқа харажатларнинг (Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети) Ҳ И С О Б И

| № | Лавозими | Бир ойлик харажатлар | | | | | | 2023 йил учун туланадиган харажатлар хаммаси | |
|---|--|----------------------|--|--------------------------------|--|----------------------------------|--------------------------|--|--------------------|
| | | Бир ойлик иш ҳақи | Бир ойлик 25 фоиз ЯИТ (иш берувчи томонидан тулов) | Бир ойлик кийим-кечак харажати | Бир ойлик таъминоти (ҳуж. ва канц. мол.сотиб олиш) | Бир ойлик хизмат сафари харажати | Бир ойлик сугурта тулови | | ЖАМИ |
| 1 | ХПБ профилактика инспектори (Найимов Б.Р.) | 8 877 920 | 1 977 230 | 300 000 | 100 000 | 0 | 5 000 | 11 260 150 | 135 121 800 |
| | Жами: | 8 877 920 | 1 977 230 | 300 000 | 100 000 | 0 | 5 000 | 11 260 150 | 135 121 800 |

Самарқанд вилояти ИИБ
МТХ бошлиғи



И.Э.Худойбердиев

Самарқанд вилояти ИИБ
МТХ бошлиғи уринбосари

Ж.Б.Бекмухамедов

“БУЮРТМАЧИ”

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,

чорвачилик ва биотехнологиялар университети ректори



Х.Б.Юнусов